

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллигига
бағишланади*

53 – жилд

* * *

ИЗВЕСТИЯ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА

*Посвящается
100-летию Национального университета Узбекистана*

53 – том

Тошкент-2018

Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 53-жилд.
Илмий журнал. - Тошкент, 2018 йил. – 304 бет.

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг 53-жилди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 100-йиллигига бағишланган бўлиб, унда табиий география, геоэкология ва табиатдан фойдаланиш, иқтисодий ва ижтимоий география, топонимика ва география ўқитиш методикаси, қуруқлик гидрологияси, метеорология ва иқлимшунослик ҳамда геодезия ва картография фанлари соҳаларига оид мақолалар, таниқли географларнинг юбилейлари ва хотираларига оид лавҳалар жой олган.

Таъсисчи: Ўзбекистон География жамияти

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журналининг таҳрир хайъати:

г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
г.ф.н., доцент
г.ф.д., профессор
г.ф.н., доцент
г.ф.д., профессор
г.ф.д., профессор
тех. фанлари доктори
г.ф.н., доцент

Ҳикматов Ф.Ҳ. (*бош муҳаррир*)
Абдуллаев А.Қ.
Ата-Мирзаев О.Б.
Қаюмов А.А.
Маматқулов М.М.
Миракмалов М.Т.
Мирзалиев Т.М.
Назаров М.И.
Нигматов А.Н.
Сабитова Н.И.
Сафаров Э.Ю.
Эгамбердиев А.Э.
(масъул котиб)

г.ф.ф.д. (PhD)
г.ф.ф.д. (PhD)

Техник котиблар:
Ш.Б.Қурбонов,
В.Н.Федорко

паводки Ўзбекистана	238
Холматжанов Б.М. Режим температуры воздуха и атмосферных осадков Джизакского климатического района	247
Эгамбердиев Х.Т., Абдикулов Ф.И. Фарғона актинометрик станциясида ялпи куёш радиациясининг кўп йиллик ўзгариши	251

ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ**ГЕОДЕЗИЯ И КАРТОГРАФИЯ**

Эгамбердиев А., Салохитдинова С., Мўминов А. Ўзбекистон Миллий университетидида картография фани ва таълимнинг ривожланиши	257
Муборақов Х., Рўзиев А.С. Ўзбекистон Миллий университетидида геодезиянинг Мустақиллик йилларида ривожланиши	260
Курбанов Б.Т. Решение гидроэкологических проблем на базе современных информационных технологий	263
Охунов З.Д. Ўзбекистон Республикаси худудида сунъий йўлдош геодезик тармоқларни ривожлантириш тўғрисида	269
Ибраимова А.А. Географик хариталар компоновкасининг айрим хусусиятлари	273
Абдурахмонов С.Н., Юсупов Б.Н. Аҳоли миграцияси хариталарини лойиҳалаш ва тузишда замонавий ГАТ-технологияларидан фойдаланиш масалалари	277
Рахмонов Д.Н., Эгамбердиев А. Аҳолини картографик методлар ёрдамида тадқиқ этиш масалалари	279

ЮБИЛЕЙЛАР**ЮБИЛЕИ**

Георгию Михайловичу Лаппо – 95 лет!	283
Туроб Жумаевич Жумаев – 80 ёшда!	284
Асомберди Эгамбердиев – 70 ёшда!	285
Эльмиру Исмаиловичу Чембарисову – 70 лет!	286
Бахриддин Нишонов - 50 ёшда!	287

ХОТИРА**ПАМЯТЬ**

Суюн Қораевич Қораев (1925-2018)	288
Турсинбай Таджимович Таджимов (1928-2005)	289
Абдусами Салиевич Салиев (1943-2016)	290
Абдурасул Алимович Сагатов (1943-2005)	291
Тоҳир Мухторович Мухторов (1948-2012)	292

ТАКРИЗЛАР**РЕЦЕНЗИИ**

Джумаев Т.Д. Комплексное географическое исследование о жизни людей в горных регионах мира	293
--	-----

ТАДБИРЛАРДАН ЛАВҲАЛАР**ХРОНИКА МЕРОПРИЯТИЙ**

«География ва глобализация: назария ва амалиёт» мавзуидаги Халқаро илмий-амалий конференция (Андижон ш., 2018 йил 21 май)	295
Международная научно-практическая конференция «Проблемы и перспективы комплексных географических исследований в Аральском регионе и сопредельных территориях» (г.Нукус, 15-16 мая 2018 г.)	296

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” илмий журнаliga тақдим этиладиган мақолаларга қўйилган талаблар ва мақолаларни расмийлаштириш намунаси	297
--	-----

**ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ
ГЕОДЕЗИЯ И КАРТОГРАФИЯ**

Эгамбердиев А., Салоҳитдинова С., Мўминов А.*

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА КАРТОГРАФИЯ ФАНИ ВА
ТАЪЛИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда картография фани ва таълимининг ривожланишида ЎзМУ геодезия ва картография кафедрасининг ўрни ёритилган. Асосий эътибор кафедранинг картография соҳасида эришилган ва эришилаётган ютуқларига қаратилган.

Калит сўзлар: кафедра, харита, атлас, Ўзбекистон Миллий атласи, халқаро алоқалар, конференция.

**Развитие картографической науки и образования в Национальном университете
Узбекистана**

Аннотация: в статье освещено место кафедры геодезии и картографии НУУз в развитии картографической науки и образования в Узбекистане. Основное внимание уделено достигнутым и достигаемым успехам кафедры в области картографии.

Ключевые слова: кафедра, карта, атлас, Национальный атлас Узбекистана, международные связи, конференция.

Кириш. Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультети таркибидаги Геодезия ва картография кафедраси Ўзбекистонда картография соҳаси билан боғлиқ барча фаолиятни (соҳа бўйича фанлар тизимини ва уларнинг мазмунини шакллантириш, малакали кадрларни тайёрлаш, кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, янги типдаги картографик асарларнинг махсус мазмунини ишлаб чиқиш ва уларни нашрга тайёрлаш, эришилган ва эришилаётган ютуқларни тезкорлик билан таълим ва тарбия жараёнига ҳамда амалиётга жорий этиш, соҳа муаммоларини яхлитлаш, истиқболли илмий йўналишларни белгилаш ва б.) маркази ҳисобланади.

Асосий қисм. Кафедра 1921 йили профессор Н.И.Лебединский ташаббуси билан ташкил этилган. 1921-1945 йилларда кафедра турли факультетларнинг таркибида фаолият юритган. 1945 йили мустақил География факультети ташкил қилингандан сўнг, унинг таркибида тўртта кафедра, чунончи табиий география, иқтисодий ва ижтимоий география, куруклик гидрологияси ҳамда геодезия ва картография кафедраси иш бошлади. Факультетда 1946 йили картография ихтисослиги очилди ва 1950 йили биринчи ёш картограф мутахассислар тайёрлашга эришилди. Кафедрага дастлаб проф. Н.И.Лебединский, сўнг топограф Ф.Л.Торопкин, проф. И.Г.Красовский, катта ўқитувчи И.Г.Черняк, доцент Ч.В.Гальков, проф. Т.М.Мирзалиев, доцентлар Е.Г.Бродский, А.Эгамбердиев, Л.Ҳ.Ғуломова ва Х.Муборақовлар мудирлик қилган. 2010 йилдан ҳозирги вақтгача т.ф.д. Э.Ю.Сафаров мудирлик қилмоқда.

Ҳозирги пайтда кафедрада битта фан доктори-профессор, етти фан номзоди-доцентлар, ўндан ортиқ катта ўқитувчи ва ўқитувчи ассистентлар фаолият олиб бормоқдалар. Кафедра аъзоларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Ўтган йиллар мобайнида кафедра геодезия, картография ва кадастр соҳалари учун кўплаб юқори малакали кадрлар тайёрлади. Ҳозирги вақтда уларнинг кўпчилиги ушбу соҳага оид ишлаб чиқариш корхоналарида, илмий – тадқиқот институтларида ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида муваффақиятли ишламоқдалар. Улардан икки киши докторлик ва 12 киши номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

* Эгамбердиев А. – ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси доценти, г.ф.н.

Салоҳитдинова С. – ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси катта ўқитувчиси.

Мўминов А. – ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси ўқитувчиси.

1965 йили Т.Мирзалиев ўзбек картографлари орасида биринчи бўлиб, “Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини харитага олишнинг айрим масалалари” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбекистоннинг биринчи илмий-маълумотнома географик атласи 1963 йили босилиб чиқди. Ушбу атласни яратишда Геодезия ва картография кафедраси аъзолари фаол иштирок этишди.

Кафедрада 70-йилларга қадар комплекс ва мавзули харитага олиш муаммолари билан Ч.В.Гальков ва Е.Г.Бродский, қишлоқ хўжалигини харитага олиш ва атлас картографиясига оид тадқиқотлар билан Т.Мирзалиев, кейинчалик А.Эгамбердиев, Ўзбекистоннинг арид ҳудудлари воҳа геотизимларини тадқиқ этишда картографик методдан фойдаланиш масалалари билан Э.Ю.Сафаров, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари билан Ж.С.Қорабоев, демографик жараёнларни, шунингдек аҳоли ва меҳнат ресурсларини харитага олиш муаммолари билан Л.Ҳ.Фуломова шуғулланган.

Кафедрада геодезия, картография ва кадастр соҳаларига юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича шакл ва мазмунда амалга оширила бошланди. Бинобарин, мустақиллик йилларида олий таълим тизими мазмуни тубдан ўзгарди. Олий таълимда мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланишини таъминлайдиган, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асосий мақсад этиб белгиланди. Натижада, кафедра 1996 йилдан бошлаб Марказий Осиёда картография соҳасида таянч кафедрага айланди. Янги мутахассислик – 540100 - “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди ва ушбу йўналишнинг Давлат таълим стандарти, намунавий дастур ва ўқув режаси ишлаб чиқилди. Олий таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида кафедрада таълим бакалаврият, магистратура, таянч докторантура ва докторантура тизими асосида йўлга қўйилди. Кафедранинг “Давергеодезикадастр” давлат қўмитаси таркибидаги “Картография” ИИЧДҚда, Геодезия ва картография миллий маркази, ва Марказий аэрогеодезия корхонасида филиаллари мавжуд. Махсус курсларни ўқишга ишлаб чиқариш илғорлари, малакали мутахассислар, етук соҳа олимлари ташқаридан ўриндошлик асосида ҳар йили ишга таклиф қилинадилар. Кафедра қошида махсус “Атлас музейи” ва “Геоинформатика” ўқув лабораторияси ташкил этилган ва улар замонавий русумдаги янги геодезик асбоблар, компьютерлар ва геоахборот дастур таъминотлари, Ўзбекистонда ва хорижда турли йилларда чоп этилган ҳар хил типдаги ва мазмундаги атласлар билан жиҳозланган.

Талабаларга назарий билимлар беришда замонавий компьютерлар, географик ахборот тизимлари (ГИС) ва янги педагогик технологиялардан фойдаланишга катта аҳамият берилади. Назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш ва қўллаш мақсадида талабалар амалиётлари режалаштирилган. Кафедра талабалари дала ўқув амалиётларини Ғарбий Тяньшаннинг энг гўзал ва географик жиҳатдан характерли райони Чорвок сойлигида жойлашган ўқув дала амалиёти базасида, ишлаб чиқариш ва битирув малакавий иши олди амалиётларини эса танланган мавзу бўйича Тошкент шаҳрида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган соҳа ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот муассасаларида, жумладан, Тошкент Картография фабрикасида, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қошидаги қурилишда муҳандислик кидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат қўмитаси (O’zGASHK DK)да, Геодезия ва картография Миллий марказида, ЎзГАШКЛИТИ ДУҚда, Марказий аэрогеодезия корхонасида ва бошқа ташкилот ва муассасаларда ўтқизишади.

Мустақиллик йилларида талабаларни давлат тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, кафедра

профессор–ўқитувчилари томонидан катор дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Масалан, олий ўқув юртлари учун “Карташунослик” дарслиги илк бор ўзбек тилида нашр қилинди. Шу билан бирга кафедра аъзолари умумий таълим мактаблари учун ўқув деворий хариталар ва географик атласлар яратиш ва нашр этишда фаоллик кўрсатишмоқда. Хусусан, 1999 йилда илк бор Ўзбекистоннинг ўқув географик атласи кафедра профессор–ўқитувчиларининг саъй–ҳаракатлари билан нашр этилди. Ушбу атлас нафақат географлар, балки бошқа соҳа мутахассисларига ҳам хизмат қилмоқда.

2011 йилда А.Эгамбердиев томонидан “Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси” ва “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги” хариталари 1:1 600 000 масштабда нашр қилинди. Хариталарнинг легендаси ва кесма хариталарида Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва уни етакчи тармоқлари ҳақида жуда кўплаб маълумотлар келтирилган.

12-жилдлик Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларининг ўлкашунослик атласларини нашр қилинишида ҳам кафедра аъзолари фаол иштирок этишди. Жумладан, А. Эгамбердиев Миллий энциклопедиянинг етакчи илмий муҳаррири ҳисобланади. Кафедрада ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар ўқув йилининг апрель–май ойларида профессор–ўқитувчилар ҳамда ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг анъанавий илмий-амалий конференциялари ўтказилиб келинади. Айни пайтда кафедра аъзолари “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15-март 2018 йил 204-Ф рақамли фармойишига биноан Ўзбекистон Миллий атласини яратиш концепцияси ва уни таркибига кирган кўплаб хариталарнинг махсус мазмунини ишлаб чиқишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Шунингдек, кафедрада 2013-2017 йилларда иккита халқаро лойиҳа доирасида: 1. TEMPUS GE-UZ 530808-TEMPUS-1-2012-1-HU-TEMPUS-JPCR Tempus IV “Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш”, 2. gSmart 545696-EM-1-2013-1-AT-ERA MUNDUS-EMA21 – Европа ва Марказий Осиё ўқув муассасалари орасида икки томонлама фан ва маданият соҳаларида ҳамкорликни олиб бориш катта ҳажмдаги илмий тадқиқот ишлари бажарилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 2015 йил май ойида халқаро семинар ўтказилди. Семинар ишида Австрия, Венгрия, Англия, Голландия, Испания, Руминия ва Марказий Осиё олийгоҳларидан етакчи мутахассислар иштирок этди.

Кафедра ривожланган мамлакатлар университетлари ва узоқ хориж давлатлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ҳамкорлик ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор беради.

Жумладан, Австриянинг Париж Лодрон университети (PLUS), Венгриянинг Обуда университети ва Голландиянинг Вриже университетлари билан профессор–ўқитувчиларининг малака ошириши йўлга қўйилган 2016-2017 ўқув йилида кафедра аъзоларидан И.Ў.Абдуллаев Австрияда, Ш.М.Пренов Венгрияда, А.С.Рўзиев Голландияда малака ошириб қайтди. А.К.Сайидов эса Швецариянинг (Қироллик технология институтида) PhD бўйича таҳсил олмоқда.

Ҳозирги пайтда кафедра аъзолари Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастури доирасида «DSinGIS: Doctoral Studies in GeoInformation Sciences» («DSinGIS: Геоахборот тизимида докторантура») лойиҳасида фаол иштирок этишмоқда.

Геоинформатика – бу нисбатан янги илм соҳаси ҳисобланади, лекин унинг илдизи минг йилларга бориб тақалади. Лойиҳа учта анъанавий географик фанларни бирлаштиради (биринчидан, геодезия – бу аниқ фазовий маълумотларни олиш, иккинчидан, география – инсон ва жисмоний жиҳатдан ўрганиш фани сифатида ҳамда сўнггиси картография – хариталарни яратиш фани сифатида). Ушбу фанларнинг интеграцияси ўта жадаллик билан ривожланаётган компьютер тизимига асосланган.

Геоинформатика методлари барқарор ривожланиш учун қарорларни қабул қилишда зарур бўлган бошқа фанларда кенг қўлланилади. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистонда бир қанча муаммоли масалалар мавжуд. Геоинформатикадан фойдаланган ҳолда бир қанча масалаларни самарали ечимини топиш мумкин, жумладан: иқлим ўзгариши, ер деградацияси, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан интенсив фойдаланиш, минтақанинг икки асосий дарёсидан катта миқдордаги сув оқими, сув танқислиги, Орол денгизи ёки ҳаво сифатига таҳдид солувчи хавфлар. Лойиҳанинг бош мақсади – Геоинформатика орқали Ўзбекистонда барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлашдир.

Юқорида қайд этилган саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўларок, 90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг бошида Ўзбекистонда “Атлас картографияси” илмий мактаби шаклланди ва у илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Муборақов Х., Рўзиев А.С.*

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ГЕОДЕЗИЯНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: *Геодезия, картография ва кадастр бакалаврларини геодезик тайёрлашнинг баъзи хусусиятлари кўриб чиқилган, геодезик ўқув-услубий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш ҳолати, шунингдек, ўқитувчиларнинг Ўзбекистондаги Европа иттифоқининг таълим-инновацион лойиҳаларида қатнашишларига ҳам тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *геодезия, картография ва кадастр, Европа иттифоқи, халқаро дастурлар лойиҳалари.*

Развитие геодезии в Национальном университете Узбекистана в годы независимости

Аннотация: *Рассмотрены некоторые особенности геодезической подготовки бакалавров геодезии, картографии и кадастра, затронуты состояние подготовки и издания геодезической учебно-методической литературы, а также участие преподавателей в образовательных инновационных проектах Евросоюза в Узбекистане*

Ключевые слова: *геодезия, картография и кадастр, Европейский Союз, проекты международных программ.*

Development of the geodesy at the National University of Uzbekistan in the years of Independence

Abstract: *Considered some features of geodetic training of bachelors of geodesy, cartography and cadastre, touched upon the state of preparation and publication of geodetic educational and methodological literature, as well as the participation of teachers in educational innovative projects of the European Union in Uzbekistan*

Keywords: *geodesy, cartography and cadastre, the European Union, projects of international programs.*

Кириш. Университетнинг География ва табиий ресурслар факультети геодезия ва картография кафедраси профессор ўқитувчилари 1995 йилда ташкил қилинган геодезия ва картография (ҳозирги геодезия, картография ва кадастр) бакалаврият йўналиши бўйича мамлакатимиз халқ хўжалигининг эҳтиёжи учун малакали кадрларни етиштиришда ўз ҳиссасини қўшиб келади. Ушбу йўналиш талабаларига тўрт йиллик таҳсил давомида умумқасбий ва ихтисослик фанлар бўлмиш геодезия, геодезик ўлчашларни математик ишлаб чиқиш назарияси, фотограмметрия ва Ерни масофадан туриб тадқиқ қилиш, олий геодезия ҳамда инженерлик геодезия фанлари назарий ва амалий масалаларидан билим

* **Муборақов Ҳамидхон** – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси доценти, т.ф.н.;

Рўзиев Азизжон Савриддинович – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геодезия ва картография кафедраси катта ўқитувчиси.